

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**НАБИЕВ ҒУЛОМЖОН АБДИСАЛОМОВИЧ**

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ**  
**ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРГА КИРИШИШ КЎНИКМАЛАРИНИ**  
**РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**  
**(“Иқтисодий билим асослари” фани мисолида)**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган – 2021**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD)  
on Pedagogical Sciences**

**Набиев Гуломжон Абдисаломович**

Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг иқтисодий  
муносабатларга киришиш кўникмаларини ривожлантириш технологиялари  
(Иқтисодий билим асослари фани мисолида) ..... 3

**Набиев Гулям Абдисаломович**

Технологии развития навыков вступления в экономические отношения  
учащихся средне образовательных школ (на примере учебной дисциплины  
Основы экономических знаний) ..... 23

**Nabiev Gulom Abdisalomovich**

The technologies of developing the skills of introduction into economic relations  
of students of primary schools (on the example of the subject Basics of  
economics)..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 49

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.**  
**03/04.06.2020.Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Набиев Ғуломжон Абдисаломович**

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ**  
**ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРГА КИРИШИШ КЎНИКМАЛАРИНИ**  
**РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**  
**(“Иқтисодий билим асослари” фани мисолида)**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган – 2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2 PhD/Ped1114 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.vocedu.uz](http://www.vocedu.uz)) ва "ZiyoNET" Ахборот-таълим порталида ([www.ziyo.net.uz](http://www.ziyo.net.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Муслимов Нарзулла Алихонович**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Раҳматуллаев Музаффар Мухаммаджонович**  
Физика-математика фанлари доктори, доцент

**Артиқова Мухайё Ботиралиевна**  
педагогика фанлари доктори, (DSc) дотцент

**Етакчи ташкилот:**


**Жиззах давлат педагогика институти**

Диссертация химояси Наманган давлат университети ҳузуридаги PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «25» 09 соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160107, Наманган шаҳри, Бобуршоҳ кўчаси, 161-уй. Тел.: (+99869) 228-85-01; факс: (+99869) 228-85-02; e-mail: [info@namdu.uz](mailto:info@namdu.uz).)


Диссертация билан Наманган давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (6 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (99869) 227-29-81).

Диссертация автореферати 2021 йил «10» 09 кунни тарқатилди.  
(2021 йил «10» 09 даги 6- рақамли реестр баённомаси).



  
**Т.Файзуллаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, с.ф.д., профессор

  
**Ш.К.Хужамбердиева**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

  
**К.М.Боймирзаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, г.ф.д., доцент (DSc)

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон миқёсидаги бозор иқтисодиётининг бугунги ривожланишида иқтисодий муносабат жараёнлари самарадорлиги ўзига хос амалий аҳамиятга эга. Инсоният тарихий тараққиётининг муҳим босқичи саналган бозор иқтисодиёти, унинг устувор ғоялари – талаб ва тақлиф қонуни, кучли рақобат тамойили, иқтисодий муносабат жараёнларининг самарадорлиги кўп жиҳатдан субъектларнинг зарурий билим, амалий кўникма ва малакага эга бўлишини тақозо этмоқда. БМТнинг “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш” дастури (2015 йил)да кўзда тутилган мақсадлардан бири камбағалликни бартараф этишга ёрдам бериш бўлиб, бу замонавий шароитда иқтисодий ижтимоийлашув бозор ишлаб чиқаришига асосланган давлатлар таълим тизимининг асосий феномени сифатида намоён бўлади.

Дунё миқёсида таълим тизимининг турли босқичларида таълим олувчиларнинг иқтисодий муносабатларга киришишни таъминлаш зарур педагогик вазифалардан бири сифатида эътироф этилган. Ўқувчиларнинг ижтимоий-иқтисодий қадриятлар, бошланғич иқтисодий муносабатларга киришиш кўникмалари, иқтисодий маданият сифатлари ва амалий тажрибага эга бўлиши муҳим ижтимоий-педагогик зарурият саналади. Жаҳон тажрибаси ўқувчиларда иқтисодий муносабатларга киришиш кўникмаларини иқтисодий характердаги (“Монополия”, “Капитал”, “Вестерн”, “Стартап”, “Контейнер” каби) амалий ўйинлар асосида ривожлантириш самарали эканлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда сифатли таълим бериш имкониятларини ошириш, мактаб ўқувчиларида иқтисодий билим, кўникмаларни ривожлантиришнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этишга катта эътибор қаратилмоқда. “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон (29 апрель 2019 йил) Фармон<sup>1</sup>ида “Инсон капиталини меҳнат бозори ва мамлакатда ўқувчиларнинг рақобатбардошлик даражасини белгиловчи асосий омил сифатида ривожлантириш” чора-тадбирларида муҳим вазифалар белгилаб берилди. Бу эса ўқувчиларнинг иқтисодий билим савиясини ошириш, иқтисодий муносабатларга киришиш кўникмаларини ривожлантириш механизми ишлаб чиқилишини тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги ПФ-5313-сон “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 7 февралдаги 4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Фаол

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги (2019 йил 29 апрель) ПФ-5712-сонли Фармони // <https://lex.uz/docs/4312785>.

инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги, 2018 йил 5 сентябрдаги ПФ-5538-сон “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича кўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги шунингдек, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонларида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистонда иқтисодий билимлар бериш, иқтисодий характердаги миллий кадриятларга хурматни ошириш, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик малакасига эга бўлишни таъминлаш масалалари бўйича олимлар Д.У.Джураев, Р.Исмаатов, Н.А.Камолова, Н.Г.Мўминов, М.Ортиқова; иқтисодий таълимни ташкил этишга технологик ёндашув масалалари А.Х.Абдуллаев, С.Бобоқулов, Х.Вафоев, С.О.Саидов, Ш.А.Саипназаров, Б.Собиров, Х.А.Умарова, Х.Ж.Худойқулов, Т.Эргашев, Г.Х.Эшмуродова, О.Ҳайитов; шахсда тадбиркорлик сифатларини ривожлантиришда психологик омилларни ҳисобга олиш М.Г.Давлетшин кабилар томонидан ўрганилган. Э.Сариқов, М.Маматов, Б.Ҳайдаров каби тадқиқотчилар синфдан ва мактабдан ташқари шароитларда ўқувчиларнинг иқтисодий билимларни ўзлаштиришга бўлган қизиқишларини ошириш, уларда иқтисодий тафаккурни ривожлантириш масаласини тадқиқ қилишга эътибор қаратган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатларида И.В.Андреева, Е.В.Анкудинова, Т.В.Базайкина, В.П.Вяткин, Р.В.Грищенко, О.С.Дейнеки, Т.В.Дробышеванинг ишларида иқтисодий ижтимоийлашув, ушбу жараён моҳияти ва ўзига хос жиҳатлари; Ж.А.Жилина, Е.Н.Землянская, А.С.Евдокимова, Е.В.Козлова, Л.И.Кундозерованинг изланишларида ўқувчиларни иқтисодий ижтимоийлашувини таъминлашга таъсир этувчи жиҳатлари психологик омиллар; С.М.Милинис, Н.Н.Помуран, Е.В.Попова, А.С.Прутченков, Б.А.Райзберг, И.А.Сасова, Г.Семья, А.П.Сидельковский, М.Н.Стельмашук, М.А.Рольская, А.А.Ткаченко, Е.В.Щедрина томонидан олиб борилган тадқиқотларда эса иқтисодий ижтимоийлашув механизлари ва педагогик шарт-шароитлари ўрганилган.

L.C.Anderson, B.Weber, D.Carnegie, J.Rohnning ишларида иқтисодий таълим моҳияти; R.Douglas Thompson, N.Nevitte, F.Michael O'Connellning изланишларида шахс иқтисодий ижтимоийлашувининг аҳамияти, психологик жиҳатлари ва устувор ғоялари; E.Flouri, N.Hill, Ch.Kim, R.Robert S.Sieglerning тадқиқотларида мавжуд иқтисодий муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари ўрганиш масалаларига эътибор қаратилган.

Бирок, умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг иқтисодий муносабатларга киришиш кўникмаларини ривожлантириш тамойиллари, босқичлари, методик жиҳатлари махсус тадқиқ қилинмаган. Шунингдек, умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларида иқтисодий билим асослари фанини ўзлаштиришга бўлган қизиқишни ошириш мақсадида ўйинли технологияларидан самарали фойдаланиш йўлларининг тадқиқ қилинмаганлиги мазкур йўналишда илмий изланишлар олиб боришни тақозо этади.

**Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Наманган давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Ўқитувчилар тайёрлаш: таълим-тарбия муаммолари ва истиқболлари” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг иқтисодий муносабатларга киришиш кўникмаларини ривожлантиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

“Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитишда умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг иқтисодий муносабатларга киришиш кўникмаларини ривожлантириш жараёнларини тизимли ёндашув асосида такомиллаштириш;

“Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитишда умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг иқтисодий муносабатларга киришиш кўникмаларини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш;

“Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитишда умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг иқтисодий муносабатларга киришиш кўникмаларининг ривожланганлик даражасини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонларини ишлаб чиқиш;

“Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитишда умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг иқтисодий муносабатларга киришиш кўникмаларининг ривожлантиришнинг ўқув-методик таъминоти такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг иқтисодий муносабатларга киришиш кўникмаларини ривожлантириш жараёнлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг иқтисодий муносабатларга киришиш кўникмаларининг ривожлантириш метод, шакл, восита ва технологиялари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда қиёсий таҳлил, педагогик кузатув, ташхис, педагогик тажриба-синов, суҳбат, таққослаш, маълумотларни мужассамлаштириш, умумлаштириш ва математик-статистик ишлов бериш усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгиллиги** қуйидагилардан иборат:

“Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитишда ўқувчиларда иқтисодий муносабатларга киришиш кўникмаларини ривожлантириш мазмуни дидактик тизим яхлитлиги, элементлари (ўқитиш мақсади, методикаси, тамойиллари,

шарт-шароитлари ва натижаси)нинг бирлиги асосида такомиллаштирилган.

“Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитишда муаммоли топшириқлар, ўқув лойиҳалари, амалий ва дидактик ўйинларга устуворлик бериш орқали ўқувчиларда иқтисодий муносабатларга киришиш кўникмаларини ривожлантириш механизми (қизиқишларнинг мақсадга айланиши, иқтисодий муносабатлардаги фаоллик, витагенлик негизида) такомиллаштирилган;

“Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитиш жараёнида ўзлаштириладиган компетенцияларни ўз ичига олган ўқувчиларда иқтисодий муносабатларга киришиш кўникмаларининг ривожланганлик даражасини белгиловчи индикаторлар (когнитив (бошланғич), эмпирик (зарур), креатив (юқори) даражалар асосида) такомиллаштирилган;

“Ekonobus” ва “Ekonomcross” амалий дидактик ўйинлар ҳамда “Мақтаб бизнес-модули” номли лойиҳа тавсифидаги технологияларни “Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитиш жараёнларига татбиқ этиш орқали ўқув-методик таъминот бойитилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ўқувчилар томонидан “Иқтисодий билим асослари” фанини самарали ўзлаштиришга оид хорижий тажрибаларни ўрганиш, уларда иқтисодий билимларни амалиётга татбиқ этиш малакаларини ривожлантиришга хизмат қиладиган “Тежамкор стартап”, “Мақтаб бизнес-модели” номли ишланмаларнинг асосланганлиги иқтисодий билим асослари фанини ўқитиш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

таълим жараёнида ўқувчиларнинг индивидуал имкониятларини инобатга олиш, уларда ўқув топшириқларини жамоавий бажариш малакаларини шакллантириш орқали “Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитишда умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг иқтисодий муносабатларга киришиш кўникмаларини ривожлантиришнинг методик таъминоти такомиллаштирилган;

“Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитишда ривожлантирувчи, муаммоли, интерфаол, инновацион, ўйин технологияларидан фойдаланиш асосида ўқувчиларнинг иқтисодий муносабатларга киришиш кўникмаларини ривожлантириш тизимининг такомиллаштиришига хизмат қилган;

ўқувчиларда иқтисодий муносабатларга киришиш кўникмаларининг самарали ривожланганлик даражасини баҳоловчи мезонлар (бошланғич – англаш, зарур – ўзлаштириш, юқори – қўллаш даражалар) асосланган;

“Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитиш жараёнида умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг иқтисодий муносабатларга киришиш кўникмаларини ривожлантиришга оид амалий-методик тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Ўзбекистон Республикаси ОАК рўйхатига киритилган маҳаллий ва хорижий илмий журналлар, шунингдек, республика ва халқаро миқёсда ташкил этилган илмий анжуманлар материаллари тўпламларида чоп этилган мақолалар, нашр қилинган методик қўлланма, Ўзбекистон

Республикаси “Интеллектуал мулк” агентлиги томонидан берилган иккита патент (№002274 ҳамда №002275-рақамли “Интеллектуал мулк” агентлиги гувоҳномаси, 02.07.2020 йил), тажриба-синов ишлари даврида социологик методлар (анкета; суҳбат; интервью)дан фойдаланилганлик, олинган натижалар ҳаққонийлигининг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти “Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитишда умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг иқтисодий муносабатларга киришиш кўникмаларини ривожлантиришнинг назарий-методологик, амалий-методик, ташкилий-таҳлилий асосларининг тизимлаштирилганлиги, “Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитишда умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг иқтисодий муносабатларга киришиш кўникмаларини ривожлантириш моделининг ишлаб чиқилганлиги, диссертацион ғояларнинг ўқувчиларни иқтисодий ижтимоийлаштириш борасидаги имкониятлари билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти “Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитишда умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг иқтисодий муносабатларга киришиш кўникмаларини ривожлантириш методикасининг интерфаол характердаги методлар билан бойитилганлиги, тегишли жараён механизмнинг такомиллаштирилганлиги, “Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитишда умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг иқтисодий муносабатларга киришиш кўникмаларини ривожлантиришга доир амалий-методик тавсияларни ишлаб чиқилганлиги, кўлга киритилган амалий натижаларнинг ўқувчиларда ўспиринлик ёшида тадбиркорлик кўникма ва малакаларини ривожлантиришга хизмат қилиши билан белгиланади, диссертация ишининг етакчи ғоялари, муҳим натижалари, шунингдек, тадқиқот жараёнида шакллантирилган методикадан дидактика, тарбия назарияси, ўқувчиларни касбга йўналтириш соҳаларига оид дарслик ва ўқув қўлланмаларни яратишда, инновацион характерга эга таълим воситалари (интерфаол такдимот, электрон плакат, иқтисодий мазмундаги глоссарий)ни тайёрлаш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** “Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитишда умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг иқтисодий муносабатларга киришиш кўникмаларини ривожлантиришнинг методик асосларини такомиллаштириш бўйича тадқиқот натижалари асосида:

ўқувчилар томонидан “Иқтисодий билим асослари” фанини самарали ўзлаштиришга оид хорижий тажрибаларни ўрганиш, уларда иқтисодий билимларни амалиётга татбиқ этиш малакаларини ривожлантиришга хизмат қиладиган “Тежамкор стартап”, “Мактаб бизнес-модели” технологиялари, шунингдек, муаллифлик ҳуқуқи билан тасдиқланган “Ekonobus” интеллектуал (№002274 – “Интеллектуал мулк” агентлиги гувоҳномаси, 02.07.2020 йил) ва “Ekonomkross” (№002275 – “Интеллектуал мулк” агентлиги гувоҳномаси, 02.07.2020 йил) дидактик каби ўйинлар каби методик

ишланмалардан умумий ўрта таълим мактаблари учун иқтисодий билим асослари ўқув фанидан ДТС, ўқув дастури, дарсликларни яратиш, маънавий-маърифий ишлар тизимини шакллантириш, мазмунини бойитишда фойдаланилган (Республика Таълим марказининг 2020 йил 4 декабрдаги 01/11-01/03-1462-сон маълумотномаси). Натижада ўқувчилар томонидан иқтисодий муносабатларда фаол иштирок этишга доир когнитив ва эмпирик билимлар ривожланган;

таълим жараёнида ўқувчиларнинг индивидуал имкониятларини инobatга олиш, уларда ўқув топшириқларини жамоавий бажариш малакаларини ривожлантиришга имкон берадиган тизим ва методик таъминоти, ўқувчиларнинг тегишли фан бўйича когнитив ва эмпирик билимларини баҳоловчи мезонлар (бошланғич – англаш, зарур – ўзлаштириш, юқори – кўллаш даражалар) асосида “Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитишда умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг иқтисодий муносабатларга киришиш кўникмаларини ривожлантиришга доир амалий-методик тавсиялардан Низомий номидаги ТДПУнинг ИТД-4-108 – “Ёшларда моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлигини таъминлаш: муаммо ва вазифалар” амалий лойиҳаси (2009-2010 йиллар) номли амалий лойиҳа методикаси ҳамда монографиясини тайёрлаш ва чоп этишда назарий, амалий материал сифатида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 14 январдаги 89-03-185-сон маълумотномаси). Натижада умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг иқтисодий муносабатларга киришиш кўникмаларининг ривожланганлик даражасини ташхислаш, босқичли мониторингни амалга ошириш механизмлари такомиллашган;

иқтисодий муносабатларга киришиш кўникмаларига эгалик даражасини ташхислаш, босқичли мониторингни амалга ошириш механизмларининг такомиллаштирилиши “Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитишда умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг иқтисодий муносабатларга киришиш кўникмаларини ривожлантиришнинг когнитив-эмпирик асосларини такомиллашишини таъминлаган (Республика Таълим марказининг 2020 йил 4 декабрдаги 01/11-01/03-1462-сон маълумотномаси). Натижада умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларида назарий характердаги иқтисодий билимларни амалиётга татбиқ қилиш кўникма ва малакалари ривожланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 10 та халқаро, 3 та республика, 7 та илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий-услубий иш, жумладан, Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналлар, 1 таси Scopus маълумотлар базасидаги журналда чоп этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация тузилмаси кириш, учта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланган адабиётлар рўйхати, иловалардан таркиб топган. Асосий мазмун 160 саҳифада ёритилган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Ишнинг кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги асосланиб, ўрганилганлик даражаси мавжуд илмий изланишлар натижаларига кўра баҳоланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда илмий фарази ёритилган. Шунингдек, тадқиқотнинг объекти, предмети, методлари, ҳимояга олиб чиқиладиган ҳолатлар, илмий янгилиги, амалий аҳамияти, шунингдек, оммалаштирилганлик даражаси ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитишда умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг иқтисодий муносабатларга киришиш кўникмаларини ривожлантиришнинг назарий-методологик асослари**” деб номланган бўлиб, унда “Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитишда умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг иқтисодий муносабатларга киришиш кўникмаларини ривожлантириш мазмуни, устувор тамойиллари, шунингдек, “Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитишда умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг иқтисодий муносабатларга киришиш кўникмаларини ривожлантиришнинг назарий ҳамда амалиётдаги ҳолати ҳақида сўз юритилган.

Республикада бозор муносабатлари шароитида тадбиркорлик субъектлари, аҳоли, шунингдек, ёшларнинг муваффақиятли фаолият кўрсатишларини таъминлаш юзасидан кенг кўламли чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган бўлиб, улар жамиятда юзага келиши мумкин бўлган ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг олдини олишга ёрдам беради.

Иқтисодий фаолият кишилиқ ҳаётининг муҳим таркибий қисми ва асосий шарт саналади. Замонавий шароитда эса ижтимоий субъектлар томонидан бозор ишлаб чиқаришининг туб асоси ҳамда зарур механизми бўлган иқтисодий фаолият кўникмаларини пухта ўзлаштириш талаб қилинади.

Бироқ иқтисодий фаолият ва унинг асосида иқтисодий муносабатларни ташкил этиш ўзига хос мураккаб жараён бўлиб, унда муайян жиҳатларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ саналади. Иқтисодий муносабатларни ташкил этишда эътибор қаратилиши зарур бўлган устувор жиҳатлардан бири – ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, хом-ашё етиштириш, маҳсулот ишлаб чиқариш, уни сотиш ҳамда моддий маблағни яратишда маънавий-ахлоқий мезонларга амал қилиш ҳисобланади.

Ўқувчиларнинг ёш хусусиятида келиб чиққан ҳолда уларни иқтисодий муносабатларга киришиш кўникмаларини тайёрлашга қаратилган педагогик фаолият ижтимоий-иқтисодий ёки ишлаб чиқариш муносабатлари жараёнини камраб олиши мақсадга мувофиқдир. Тадқиқот объектидан келиб чиққан ҳолда “иқтисодий муносабатлар” тушунчасини педагогик нуқтаи назардан шундай таърифлаш имконияти юзага келади: **иқтисодий муносабатлар** –

оиладаги меҳнат тақсимоти, ижтимоий-фойдали меҳнат жараёнидаги иштироки асосида ўқувчиларнинг моддий (истеъмол, кичик ишлаб чиқариш) ва маънавий (руҳан, иродавий, ахлоқий, жисмоний ҳамда эстетик жиҳатдан камолотга етишишга бўлган) эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилувчи муносабатлардир.

**Иқтисодий муносабатларга киришиш** – ўқувчиларни ижтимоий-иқтисодий ва ишлаб чиқариш жараёнига фаол жалб этиш асосида уларнинг руҳан, иродавий, ахлоқий, жисмоний ҳамда эстетик жиҳатдан камолотга етишишини таъминловчи педагогик жараён.

“Иқтисодий билим асослари” фани умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг иқтисодий муносабатларга киришиш кўникмаларини ривожлантиришда катта тарбиявий имкониятга эга. Бу жараёнда ўқувчилар томонидан иқтисодий билим асосларини тизимли ўзлаштиришга эришади, иқтисодий билимлари мустаҳкамланади. Мазкур шароитда амалий иқтисодий фаолиятни кенг кўламда ташкил этиш имкониятининг мавжудлиги кичик тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва унинг реализациясини таъминлаш орқали ўсмир-ўқувчиларда иқтисодий компетентлик сифатларини ривожлантириш учун шароит яратади.

**Иқтисодий муносабатларга киришиш кўникмаларининг ривожланганлиги** – умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг иқтисодий билимдонлик, оилавий тадбиркорлик фаолияти ёки мактаб бизнес лойиҳаларида фаол иштирок этиш, меҳнат ва ишлаб чиқариш кўникмаларига, шунингдек, иқтисодий компетентлик сифатлари (аниқ мақсад ва ҳаракат режасига эғалик, ташаббускорлик, тадбирлилик, креативлик, иқтисодий масалаларда вазиятни тўғри баҳолай олиш, турли иқтисодий вазиятларда оқилона қарор қабул қилиш, рақобатга бардошлилик, муваффақиятсизликлар олдида тушкунликка тушмаслик, таваккал қилишга тайёрлик кабилар)га эғалиги ҳисобланади.

“Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитишда умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг иқтисодий муносабатларга киришиш кўникмаларини ривожлантиришда таълим муассасасининг оила билан ҳамкорлиги алоҳида аҳамиятга эга. Бу жараёнда катта ёшли оила аъзолари (бува-буви, ота-она)нинг иқтисодий билимларига таянилади. Уларнинг иқтисодий билимларидан фойдаланиш қуйидаги методлар ёрдамида амалга оширилади: намуна кўрсатиш; тушунтириш; савол-жавоб; кўрсатиш (намойиш этиш); амалий жиҳатдан ўргатиш; йўл-йўриқ кўрсатиш; маслаҳат бериш; топшириқлар бериш; танбех бериш, уялтириш, рағбатлантириш, жазолаш, назорат қилиш; баҳолаш кабилар.

Катта ёшли оила аъзолари (бува-буви, ота-она)нинг иқтисодий билимларидан фойдаланиш асосида ўқувчилар: 1) оила хўжалиги (томорқада ўстирилаётган кўчакларни парваришлаш, етиштириладиган мева ва сабзавотларни ўз вақтида нес-нобуд қилмай йиғиб-териб олиш; ёрдамчи хўжаликни ташкил этиш ва уй ҳайвонларини парваришлаш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш)ни ташкил қилиш; 2) оила бюджетини шакллантириш; 3) оилада меҳнат тақсимотини йўлга қўйиш; 4) маиший ва

коммунал хизматлар учун тўловларни амалга ошириш; 5) кундалик харажатлар учун пул маблағларини тўғри тақсимлаш; 6) улардан фойдаланилмайдиган фаслларда озиқ-овқат маҳсулотлари, шунингдек, мавзумий кийим-кечак ва пойабзалларни сақлаш; 7) уй-жой қуриш, уларни жорий ва капитал таъмирлаш; 8) уй (ошхона) жиҳозлари ҳамда буюмларининг яроқлилигини таъминлаш; 9) иш ва ўқув қуролларига ижобий муносабатда бўлиш; 10) харид қилинган маҳсулотларнинг сифати ва яроқлилигини баҳолаш; 11) савдо-сотик муносабатларини ташкил этиш; 12) муайян ҳунар бўйича билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш имкониятига эга бўлади.

Тадқиқот даврида умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг иқтисодий муносабатларга киришиш кўникмаларини ривожлантиришга бўлган асосий педагогик ёндашувлар аниқланди. Улар когнитив, эмпирик-фаолиятли, индивидуал, жамоавий, табақалаштирилган, ҳиссий-психологик, аксиологик, технологик, интерфаол, муаммоли, интегротив, витаген, голографик ҳамда рефлексив ёндашувдан иборат.

“Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитишда умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг иқтисодий муносабатларга киришиш кўникмаларини ривожлантиришда иқтисодий ижтимоийлашув, интеграция, меҳнат муносабати билан боғлиқлик, тарбиявий омиллар бирлиги, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжига мослик, шахснинг эҳтиёж ва имкониятлари бирлиги, индивидуал хусусиятларни инобатга олиш, табақавий ёндашиш, жамоа имкониятининг устуворлиги, ўйин характериغا эгаллик каби тамойиллар устуворлик касб этади.

Ўз моҳиятига кўра, “Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитишда умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг иқтисодий муносабатларга киришиш кўникмаларини ривожлантириш ташхис, мослашиш, амалий-фаолиятли, назорат-баҳолаш ҳамда рефлексив босқичларда кечади.

Босқичларда муайян педагогик вазифалар ҳал қилинади. Яъни: 1) ташхис босқичи – анкета сўрови, суҳбат, кузатиш ёрдамида ўқувчилар томонидан иқтисодий муносабатларнинг ижтимоий, индивидуал аҳамиятининг баҳоланиши, иқтисодий билим, кўникма, малакаларни ўзлаштиришга бўлган қизиқиш ва эҳтиёжлар мавжудлигини аниқлаш; 2) мослаштириш босқичи – амалий топшириқлар ва дидактик ўйин (кроссворд, анаграмма, ребус)лардан фойдаланган ҳолда ўқувчилар онгига назарий иқтисодий билимларни сингдириш орқали уларни амалий иқтисодий фаолият жараёнига тайёрлаш; 3) амалий-фаолиятли босқич – ролли ва ишбилармонлик ўйини характериға эга “Тежамкор стартап”, “Мактаб бизнес-моделни”ни яратиш, ўқувчиларни оилавий тадбиркорлик фаолиятидаги иштирокини ўрганиш, интерфаол методларга асосланган топшириқлар ёрдамида ўсмирларда иқтисодий фаолиятни ташкил этиш кўникма, малакаларини шакллантириш; 4) назорат ва баҳолаш босқичи – “Тежамкор стартап”, “Мактаб бизнес-моделни”нинг амалий натижаларига кўра ўқувчилар томонидан иқтисодий билимларни амалда қўллашга доир кўникма, малакаларнинг ривожланганлик даражасини баҳолаш; 5) рефлексив босқич – ўсмир-ўқувчиларда иқтисодий

муносабатларга тайёрлик даражасини мустақил баҳолаш малакаларини ривожлантириш; улар томонидан рефлексив баҳолашнинг изчил йўлга кўйилишига эришиш.

“Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитишда умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг иқтисодий муносабатларга киришиш кўникмаларини ривожлантириш борасида билдирилган умумий фикрларга таянган ҳолда мазкур жараённинг моделини ишлаб чиқиш имконияти юзага келади. Тадқиқотни олиб бориш чоғида “Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитишда умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг иқтисодий муносабатларга киришиш кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилган жараённинг қуйидаги модели яратилди (1-расм).

Таҷриба-синов ишларни олиб бориш даврида “Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитишда умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг иқтисодий муносабатларга киришиш кўникмаларининг ривожланганлик даражасини ўрганишга ҳам эътибор қаратилди. Бу жараёнда уларнинг қуйидаги ҳолатларидаги иштироклари инобатга олинди: меҳнат муносабатлари, ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги иштироклари; мулк солиқларини тўлашга онгли ёндашишлари; транспорт, маиший, маданий ва коммунал хизматлардан тўғри фойдаланишлари; истеъмолчи сифатида ўз ҳақ-хуқуқларини билишлари; хонадон (оила) хўжалигини йўлга қўйиш ва бошқариш малакаларига эғаликлари; мулк муносабатларни ташкил этишда иқтисодий масалаларни оқилона ҳал қилиш қобилиятининг ривожланганлиги; тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш лаёқатига эғаликлари.

Диссертациянинг **“Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитишда умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг иқтисодий муносабатларга киришиш кўникмаларини ривожлантиришга тайёрлашнинг амалий-методик масалалари**” деб номланган иккинчи бобида шахсни иқтисодий муносабатларни ташкил этишга тайёрлашнинг миллий-тарихий таҷрибаси, “Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитишда умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг иқтисодий муносабатларга киришиш кўникмаларини ривожлантиришда инновацион таълим технологияларининг ўрни очиқ берилган.

Тарихий манбаларда иқтисодий муносабатларни ташкил этишнинг маънавий-ахлоқий мезонлари тўғрисида кенг тўхталиб ўтилган. Жумладан, Шарқ мутафаккирлари – Абу Наср Форобий, Кайковус, Абдурахмон Жомий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Амир Темур, Алишер Навоий, Абдулла Авлоний кабиларнинг асарларида шахснинг иқтисодий фаолияти мазмуни, уни самарали ташкил этиш шартлари тўғрисида сўз юритилади.

**Объект:** “Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитишда умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг иқтисодий муносабатларга киришиш кўникмаларини ривожлантириш технологияларини такомиллаштириш жараёни

**Мақсади:** ўқувчиларининг иқтисодий муносабатларга кириш кўникмаларини ривожлантириш

**Когнитив асос:**

**I. Йўналишлар:** уй хўжалигини юритиш, пул, оиладаги меҳнат, қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш, савдо-сотик, солиқ, халқаро иқтисодий муносабатлар, кредит маблағидан фойдаланиш.

**II. Ёндашувлар:** когнитив, эмпирик-фаолиятли, жамоавий, индивидуал, ҳиссий-психологик, табақавий, аксиологик, технологик, интерфаол, муаммоли, интегротив, витаген, голографик ва рефлексив.

**III. Тамойиллар:** иқтисодий ижтимоийлашув, интеграция, меҳнат муносабати билан боғлиқлик, тарбиявий таъсир (омил)лар бирлиги, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжига мослик, шахснинг эҳтиёж ва имкониятлари бирлиги, индивидуал хусусиятларни инобатга олиш, табақавий ёндашиш, жамоа имкониятининг устуворлиги, ўйин характериға эғалик

**Методик ва эмпирик асос:**

**I. Босқичлар:** ташхис, мослашиш, амалий-фаолиятли, назорат ва баҳолаш, рефлексив.

**II. Шакллари:** **мини-маъруза**, амалий машғулот, ўйин, назорат ишлари, кўргазма, “Мактаб бозори”, тест.

**III. Методлар:** маъруза, тушунтириш, суҳбат, амалий ишлар, назорат ишлари, кейс, ўйин, лойиҳа.

**IV. Воситалари:** ўқув жиҳозлари ва қуроллари, меҳнат воситалари, меъёрий ҳужжатлар (ҳисобот бланкалари, ҳисоб қоғозлари), табиий ва моддий хом ашёлар, пул маблағлари.

**V. Технологиялар:** муаммоли, дифференциал, интерфаол, лойиҳа, инновацион, ривожлантирувчи, ўйин, шунингдек, диссертант томонидан асосланган “Тежамкор стартап”, “Мактаб бизнес-моделли” технологиялари

**Баҳоловчи асос:**

**Мезонлар:** пухта иқтисодий билимға эғалик; иқтисодий фаолиятни ташкил эта олиш; иқтисодий муносабатларда фаол иштирок этиш; иқтисодий эҳтиёжларни мустақил қондира олиш; истиқболли стартап (бошланғич бизнес режаси)ға эғалик.

**Даражалар:** бошланғич (паст), амалий (ўрта), креатив (юқори)

**Натижа:** ўқувчиларнинг когнитив, руҳий, амалий, методик жиҳатдан иқтисодий муносабатлар жараёнида иштирок этишға тайёрлиги ва унда фаол иштирок этиши

### 1.1.2-расм. Ўқувчиларининг иқтисодий муносабатларга кириш кўникмаларини ривожлантириш модели

Шахсни иқтисодий муносабатларни ташкил этишға тайёрлашға доир тарихий тажриба билан танишиш қуйидаги хулосаға келиш имконини берди: 1. Иқтисодиёт барча даврларда кишилиқ жамиятининг муҳим соҳаси бўлгани каби иқтисодий фаолият ҳам ижтимоий субъектлар фаолиятининг муҳим таркибий қисми сифатида намоён бўлган. 2. Марказий Осиё худудида иқтисодий фаолиятни ташкил этишда жамият томонидан тан олинган, кейинчалиқ эса давлат бошқарув тизими томонидан жорий этилган маънавий-ахлоқий меъёрлар асосий мезон бўлиб хизмат қилган. Дастлаб

иқтисодий фаолиятнинг мазмуни, самарадорлиги бевосита жамоа фикри негизда тартибга солинган бўлса, марказлаштирилган давлатлар ташкил этилгандан сўнг мажбуриятлар характеридаги ҳуқуқий-меъёрий талабларга мувофиқ баҳоланган. 3. Иқтисодий фаолиятнинг муҳим кўриниши сифатида касб-хунар асосларини ўрганиш ҳамда уларни ёш авлодга ўргатишга йўналтирилган фаолият алоҳида эътироф этилган. 4. Иқтисодий фаолиятни олиб борувчи шахс зиммасига муайян мажбуриятлар юклатилган. Ана шундай мажбуриятлардан бири – жамоа манфаатларига зид келадиган ҳатти-ҳаракатларни содир этмаслик эканлиги уқтирилган. 5. Аҳоли, жумладан, ёшлар ҳам иқтисодий фаолиятни ташкил этишда ижтимоий тартиб-қоида, маънавий-ахлоқий меъёрларга сўзсиз амал қилган.

“Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитишда умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг иқтисодий муносабатларга киришиш кўникмаларини ривожлантиришда ўйин технологияларидан фойдаланишда икки йўналиш бўйича иш кўрилди: 1) хорижий давлатларнинг шахснинг иқтисодий билим ва кўникмаларини ривожлантиришда ўйин технологияларидан фойдаланишга оид тажрибаси, хусусан, “Монополия”, “Экономикус”, “Пул оқими”, “Юзталиклар” ҳамда “Иқтисодий ўн иккилик” ўйин тажрибалари ўрганилди. Тадқиқот доирасида ташкил этилган тажриба-синов ишларида бевосита “Иқтисодий ўн иккилик” ўйинидан самарали фойдаланилди; 2) “Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитишда инновацион таълим технологиялари воситасида ўқувчиларнинг иқтисодий кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилувчи ўйин технологиялари асосланди.

“Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитишда умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг иқтисодий муносабатларга киришиш кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилувчи имитацион характеридаги “Ekonobus” (“Эконобус”) интеллектуал ва “Ekonomkross” (“Экономкросс”) дидактик ўйини асосланди.

“Ekonobus” (“Эконобус”) интеллектуал ўйинининг мақсади: белгиланган йўналиш бўйича “Ekonobus” (“Эконобус”)да ҳаракатланиш чоғида турли иқтисодий бекатларда тўхтаб ўтиш орқали ўқувчиларнинг иқтисодий билим, кўникма, малакалари даражасини баҳолаш ҳисобланади. Ўйин жараёнида ҳал этиладиган вазифалар: 1) иқтисодий характеридаги топшириқлар ёрдамида ўқувчиларни иқтисодий билимларни умумлаштириш ва тизимлаштиришга ўргатиш; 2) ўқувчиларда муаммоли вазиятларда тўғри қарор қабул қилиш (ечимни топиш) малакаларини ривожлантириш; 3) амалий топшириқлар ёрдамида ўқувчиларда иқтисодий билим, кўникма ва малакаларини мустақил баҳолаш қобилиятини шакллантириш.

“Ekonobus” (“Эконобус”) ўйини “Истеъмол саватчаси”, “Бизнес-стартап”,

“Тушунча изоҳи”, “Иқтисодий домино”, “Мини-иқтисодий глоссарий”, “Иқтисодий атамалар”, “Иқтисодий таъриф”, “Иқтисодий кластер”,

“Иқтисодий етуклик”, “Иқтисодий ҳуқуқ” ҳамда “Иқтисодий кейс” каби шартли “бекат”ларда ташкил этилади.

“Економкросс” (“Экономкросс”) дидактик ўйинининг мақсади ўқувчиларни иқтисодий мавзудаги туркум дидактик ўйинлар – кроссворд, анаграмма ва ребусларни ҳал қилишга жалб этиш орқали уларда иқтисодий билимларни амалда қўллаш малакаларини ривожлантиришдан иборат бўлиб, унинг ёрдамида қуйидаги вазифалар ҳал этилади: 1) иқтисодий характердаги топшириқлар ёрдамида ўқувчиларни иқтисодий билимларни умумлаштириш ва тизимлаштиришга ўргатиш; 2) ўқувчиларда муаммоли вазиятларда тўғри қарор қабул қилиш (ечим топиш) малакаларини ривожлантириш; 3) амалий топшириқлар ёрдамида ўқувчиларда иқтисодий билим, кўникма ва малакаларини мустақил баҳолаш қобилиятини шакллантириш.

Ушбу ўйиннинг таркибий тузилмасидан 8 та иқтисодий мавзудаги кроссворд, 50 та иқтисодий атамани қамраб олган анаграмма, 7 та иқтисодий мавзудаги ребус ўрин олган.

Тажриба-синов ишида респондент ўқувчиларнинг иқтисодий билимларини мустаҳкамлаш, уларда иқтисодий муносабатлар моҳиятини таҳлил қилишда мантикий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш мақсадида интерфаол методларга асосланувчи амалий машғулотлар ташкил этилди. Уларда респондент ўсмир-ўқувчилар томонидан “Барча омилларни ҳисобга ол!” (БАҲО), “Биламан. Билишни хоҳлайман. Билиб олдим” (БББ), “Блиц-сўров”, “Венн диаграммаси”, “Икки саҳифали кундалик”, “Тушунчалар таърифи”, “Тизимлаштирилган тушунчалар кросси”, “Кластер”, “Қарорлар қабул қилиш технологияси” (“Қарорлар шажараси”) каби интерфаол методлар ёрдамида иқтисодий муносабатлар моҳиятини таҳлил қилинди.

Замонавий шароитда инновацион характердаги таълим технологиялари орасида лойиҳа таълими ва унинг моҳиятини ёритувчи технологиялар ҳам ўзига хос ўрин тутди.

“Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитишда умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг иқтисодий муносабатларга киришиш кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилган тадқиқот даврида лойиҳавий характерга эга қуйидаги технология асосланди (2-расм):



**2-расм. “Мақтаб бизнес-моделли” технологиясининг таркибий тузилмаси**

Технологиянинг мақсади кичик тадбиркорликни йўлга қўйиш асосида ўқувчиларда молиявий мустақилликка эришишга имкон берувчи иқтисодий кўникмаларни ривожлантириш бўлиб, унинг ёрдамида қуйидаги вазифалар

